

Фикҳ дарслари (211-дарс) Намозда макруҳ нарсалар (иккинчи мақола)



19:00 / 29.12.2022 3451

هُلَّلَا يَضْرَعُ رِيْرَهُ يَبْأَنْع
يَلْصُقُ يَبْنَلَا يَهَنْ لَأَقُ هَنْع
يَلْصُقُ يَنْأَمْ لَسُو هِيلَع هَلَلَا
هُوْرُ. أَرْصَتْ خُمْ لُجْرَلَا

ۋەسۋە مَخْلَا

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам қўлни белга тираб намоз ўқишдан қайтардилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Қўлни белга тираб туриш мутакаббирлик аломатидир. Намоз эса банда ўзини энг хор тутиши лозим бўлган мақомдир. Ўз Робби ҳузурда гуноҳлари кечирилиши ва сўровлари берилишини хоҳлаган банда қўлини белига қўйиб керилишнинг ўрнига, тавозеъ ила, ўзини хокисор олиб туриши лозим.

3. Сажда қилиш учун тошларни бир мартадан ортиқ текислаш.

Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг вақтларида масжидлар ердан иборат эди. Шунинг учун сажда қилган одамнинг пешонаси майда тошларга тегиши оддий ҳол эди. Ушбу жумлада ўша даврдаги ҳолат назарда тутилган.

هُنَعُ هَلَلَا يَضَرُّ رَذِي بَأْنَعُ ،
هَيْلَعُ هَلَلَا يَصِيْبُنَلَا نَعُ
مُكْدَحَأْ مَاقْ إِذَا : لَأَقْ مَلَسُو
حَسْمِي أَلْفِةً أَلَّصَلَا يَلَا
ةً مَخْرَلًا نِإْفِ ، يَصَخْلَا

بَاخُصَّ اَهَاوَر . «هُجَاوَت بِنَسَلَا

Абу Зарр розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Қачон бирортангиз намозда турса, тошларни тўғриламасин, чунки раҳмат унга юзма-юз турган бўлади», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилишган.

4. Пешонасига теккан тупроқни артиш.

Албатта, намоз ичида артиш макруҳ. Аммо намозни ўқиб бўлгандан кейин, риёкорликдан четланиш учун пешонага теккан тупроқни дарҳол артиб ташлаш лозим бўлади.

5. Салласининг пешига сажда қилиш.

Шунингдек, намозхон ўзининг устидаги кийимнинг бирор қисмига сажда қилиши ҳам макруҳдир.

6. Билакларни ерга тираш.

اَهْنَعُ هَلَلَا يَضَرَّ شَيْءٌ اَعْنَعُ
هَلَلَا لَوْ سَرَّ نَاكُ تَلَاقُ
مَلَسُو هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَصُ

بِنَاطِيٍّ شَلَاةٍ بَقُوعٍ نَعِ يَهَنِي
لُجْرَلَا شَرَّتْ فِي نَأِ يَهَنِي وَ
بِغُبِّ سَلَا شَارَتْ فَا هِيَ عَارِذُ
ةَالِّ صَلَا مَتْخِي نَاكَ وَ
مِلْسُ مِ هَاوَرِ مِي لِسَّتْ لَابِ
دُوَادُ وَبَأُو

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шайтоннинг ақибидан ва йиртқичнинг ястанишидан наҳйи қилар эдилар. Намозни салом бериш билан тамомлар эдилар».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилишган.

«Шайтоннинг ақиб», яъни «ит ўтириш»дан қайтарар эдилар.
«Йиртқичнинг ястанишидан наҳйи қилар эдилар».

Бу саждада бўлиб, ҳам кафтини, ҳам чиғаноғини ерга қўйиб, билагига суяниб туришдир. Буни олдин ўрганганмиз.

7. Сочни турмаклаш.

بِيْبِنَلَا يَلْوَمِ عِفَارِ وَبَأَرَمِ

م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا ي ل ص
 ي ل ع ن ب ن س خ ل ا ي ل ع
 ي ل ص ي و ه و م ا ل س ل ا ا م ه ي ل ع
 ه ا ف ق ي ف ه ر ف ص ز ر ع د ق و
 ت ف ت ل ا ف ي ع ف ا ر و ب ا ا ه ل ح ف
 ا ب ض غ م ه ي ل ا ن س خ ل ا
 ك ت ا ل ص ي ل ع ل ب ق ا ل ا ق ف
 ت ع م س ي ن ا ف ب ض غ ت ا ل و
 ك ل ذ « ل و ق ي ه ل ل ا ل و س ر
 و ب ا ه ا و ر . « ن ا ط ي ش ل ا ل ف ك
 ي ذ م ر ت ل ا و د و ا د

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг озод қилган қуллари Абу
 Рофеъ намоз ўқиётган Ҳасан ибн Али алайҳимассаломнинг ёнидан
 ўтди. У (Ҳасан) соч ўримини орқасига турмаклаб олган эди. Абу
 Рофеъ ечиб юборган эди, Ҳасан унга ғазаб билан қаради. У бўлса:
 «Намозингни ўқи. Ғазаб қилма. Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи
 васалламнинг «Бу шайтоннинг тўқимидир», деганларини

эшитганман», деди».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

Инсон намоз ўқиганида, сажда қилганида унинг барча аъзолари, бутун вужуди, ҳатто кийимлари ҳам иштирок этиши керак. Агар эркак киши сочини қайтариб турмаклар олса, ўша ҳолатга футур етади. Шунинг учун бу иш макруҳ ҳисобланади.

8. Кийимни осилтириш ва шимариш.

نَا هَلَلَا يَضَرَّ رِيْرَهُ يَا بَا نَع
هَلَلَا يَلَصَّ هَلَلَا لَوْسَر
لَدْسَلَا نَع يَا نَمَلَسُو هِي لَع
يَطْعِي نَأُو، أَلَّصَلَا يَف
دُوَادُ وَبَا هَأَوْرُ، هَأَفُ لُجْرَلَا
يِ ذِمْرَتَلَاوُ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозда кийимни осилтиришдан ва кишини оғзини тўшишдан наҳйи қилдилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

Ушбу ҳолатлар кўпроқ Арабистон шароити ва у ердаги халқларнинг одатларидан келиб чиққан. Маълумки, уларда эркаклар ҳам узун кийим

киядилар. Авваллари нафақат узун кийим кийишарди, балки кийимни узун қилиш ила фахрланишар эди.

Шунингдек, арабларда салласининг бир тарафи ила оғзини беркитиб юриш одати ҳам бор эди.

Ислом дини кибру ҳавога боғлиқ ҳамма нарсаларни ман қилганидек, кийимни фахр, кибру ҳаво билан судраб юришни ҳам ман қилди. Намоздан ташқарида ман этилган нарса намозда ман этилиши турган гап.

Шунингдек, намозда оғизни бирор мато билан тўсиб олиш ҳам макруҳдир.

(Давоми бор)

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди